

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТАРТИБИДАГИ  
ТЕКШИРУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИННИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Файзуллоев Мирсаид Шухратович  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчisi (PhD)*

**Аннотация** мазкур мақолада, солиқ хизмати органлари томонидан солиқ назорати ҳамда солиқ текширувларининг услугубий асослари такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, молиявий назорат, солиқ текширувлари, камерал назорат, солиқ аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, норматив таҳлил, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ОРГАНИЗАЦИИ  
ПРОВЕРОК НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Государственный Университет Ташкент  
*Независимый исследователь (PhD)*  
Файзуллоев Мирсаид Шухратович

**Аннотация** В данной статье органами налоговой службы проведено исследование путей совершенствования методологической основы налогового контроля и налоговых проверок и оценки их эффективности, в рамках исследования сформированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, финансовый контроль, налоговые проверки, камеральный контроль, налоговая проверка, международные стандарты аудита, нормативный анализ, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE FOREIGN EXPERIENCE OF  
ORGANIZING TAX CONTROL INSPECTIONS IN UZBEKISTAN

*State University Tashkent  
Independent Researcher (PhD)  
Faizulloev Mirsaid Shukhratovich*

**Annotation** In this article, research was conducted by the tax service authorities on ways to improve the methodological basis of tax control and tax audits and evaluate their effectiveness, and conclusions and suggestions were formed within the

framework of the research.

**Keywords:** tax, budget policy, budget, tax administration, financial control, tax audits, cameral control, tax audit, international auditing standards, regulatory analysis, tax revenues, tax incentives, tax rate.

**Кириш** Жаҳоннинг аксарият давлатларида давлат бюджетига белгиланган (режалаштирилган) солик тушумларининг бир маромда келиб тушишини таъминлаш, солик қарздорлигини муваффақиятли ундириш механизмига асосланган солик назоратини самарали ташкил этиш йўлларини аниқлашга бағишлиланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Солик назорати самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, солик назорати ва унинг шакли бўлган солик текширувларининг концептуал хусусиятларини очиб бериш, уларнинг самарали замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, солик текширувларини ўтказиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни миллий солик тизимига татбиқ этиш кабилар бу борадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

С.Мирошник (2017) солик назоратига оид илмий тадқиқотларида солик назоратига муаллифлик таърифини беради: “солик назорати - бу ваколатли давлат органларининг хўжалик субъектлар томонидан солик ва хуқуқий тартибга солишнинг бажарилишига хуқуқий баҳо бериш, хукуқбузарликларга чек қўйиш, фуқароларнинг фискал манфаатларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортишда ифодаланган фаолияти” дир.

Л.И.Кофлер Ю.П.Кашириналар (2017) солик назоратини солик тизими фаолиятининг муҳим шарти солик текширувлари орқали амалга ошириладиган самарали механизм деб ҳисоблайди. Ушбу олимларнинг ёндошувида “солик текшируви солик органининг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши (ўтказилиши) устидан назорат ҳаракати, бу жараёнда солик назорати натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар солик органларига тақдим этилган солик декларацияси маълумотлари билан таққосланадиган иқтисодий механизmdir”.

Н.Шестакованинг (2018) илмий қарашлари бу борада анчайин ўз аҳамиятига эга. Ушбу олим солик назоратига таъриф бериб уни: “солик интизомига риоя этилишини текшириш, солик хукуқбузарликларининг максимал сонини аниқлаш ва профилактика чораларини кўриш имконини берувчи техника ва усулларни ўз ичига олган солик қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг маҳсус, профилли ҳаракатлари мажмуидир”.

Россиялик олимлар Н.А.Филиппова ва Д.Ю. Макевнина (2018) кенг маънода солик назоратини Россия Федерациясининг самарали молиявий сиёсати ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, солик тўловчиларнинг хукуқлари ва давлатнинг қонуний талаблари ўртасидаги мувозанатга эришишга қаратилган

давлат томонидан тартибга солиш чоралари тизимининг ажралмас қисми сифатида белгилайди.

М.Садчиков (2010) “солиқ текшируви солиқ назоратининг асосий шакли бўлиб, солиқлар ва йифимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатли органларнинг процессуал ҳаракатлари мажмуудан иборат ва у текширилаётган шахсларнинг ҳисобот маълумотларини, солиқ органларининг қарорларини солиқ тўловчилар, йифимлар тўловчилар ва солиқ агентларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати билан таққослаш йўли билан амалга оширилади” деб ҳисоблайди.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қуйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига қўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда.

Бу тўғрида Аренс ва Лоббеклар (1995) қуйидагиларни ёзишган: “Солиқ тўловчиларни федерал солиқ қонунларига риоя қилишини, солиқ декларацияларни текшириш учун ҳукумат аудиторлар ёллади. Солиқ қонунчилиги жуда мураккаб бўлиб, солиқларни текшириш бўйича аудитордан чуқур билимларга эга бўлишликни талаб этилади”.

Иқтисодчи олимлардан Шеремет ва Суйслар (2005) солиқ аудитига «солиқ аудити - бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир» дея таъриф беради.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ назоратини амалга оширилиш механизмларини бошқа давлатлар билан қиёсий таҳлил қилинганда, хориж давлатлари тажрибасида кўпроқ Россия Федерациясидаги механизмларга анча ўхшашлигини кўриш мумкин. Россия Федерациясида солиқ назорати чоратадбирлари солиқлар, йифимлар, сугурта бадалларининг солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йифимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича солиқ органларининг қонунчиликда назарда тутилган фаолияти шакллари бўйича ваколатли органларнинг маҳсус иқтисодий фаолияти тушунилади. Худди республикамиздаги тартибга ўхшаш ҳолда Россия Федерациясида ҳам солиқ назорати камерал ва сайёр солиқ текширувлари тарзида ўтказилади.

Россия Федерациясида Солиқ кодексининг 82-89 моддалари мазмунига кўра, камерал солиқ текшируви солиқ декларацияси ва солиқ тўловчи мустақил равишда солиқ органига тақдим этган ҳужжатлар, шунингдек солиқ органида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида солиқлар ва йифимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш бўлса, сайёр солиқ текшируви эса, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарори асосида солиқ тўловчининг ҳудудида (биносида) жойида ўтказиладиган назорат тадбирлари тушунилади.

Россияда ваколатли (асосан солиқ хизмат органи) органларнинг солиқлар ва йифимлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятига асосланган солиқ назорати механизми солиқ органининг "мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилардан, солиқ агентларидан ва йифим тўловчилардан, суғурта бадаллари тўловчилардан тушунтиришлар олиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот маълумотларини текшириш, даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган бинолар ва худудларни текшириш йўли билан амалга оширилади".

Россия Федерациясида солиқ назоратини ўтказишида солиқ қонунчилигига кўра, солиқ органлари, божхона органлари, ички ишлар органлари, тергов органлари ва Россия Федерацияси давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини бошқариш органлари ўзаро келишувда белгиланган тартибда солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик тўғрисида ўзларида мавжуд бўлган материаллар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиш, йифимлар ва солиқ жиноятлари, уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, улар ўтказаётган солиқ текширувлари тўғрисида, шунингдек ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа зарур маълумотлар билан алмашиш" тартибида амалга ошириб боради.

Шунингдек, бу каби ваколатли органларнинг Россия Федерацияси Конституцияси, халқаро шартномалар қоидаларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи (бож тўловчи, суғурта бадаллари тўловчи, солиқ агенти) тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишга йўл қўймаслиги ҳамда бошқа шахсларнинг касбий сирини ташкил этувчи маълумотларнинг, хусусан, адвокатнинг сири, аудиторлик сири сақланишини таъминлаши қатъий белгилаб қўйилган (Россия Федерацияси Солиқ кодекси 82 моддаси).

Ўз навбатида Ўзбекистон ва Россияда камерал солиқ текширувининг мазмуни ва ўтказилиш тартибини солишитирадиган бўлсак, Россия Федерациясида ҳам камерал солиқ текшируви солиқ декларацияси (ҳисоб-китоблари) ёки қонунда кўрсатилган ариза, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган хужжатлар, шунингдек, бошқа хужжатлар асосида солиқ органининг жойлашган жойида ўтказиладики, айнан ушбу тартиб Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам деярли шундай тартибга асосан ўтказилади. Шунингдек, солиқ текширувининг ушбу тури солиқ органининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларига мувофиқ солиқ тўловчи солиқ декларацияси (ҳисоб-китоби) тақдим этилган кундан эътиборан уч ой ичida, , солиқ органида рўйхатдан ўтган хорижий ташкилот томонидан қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ декларацияси тақдим этилган кундан бошлаб олти ой ичida солиқ органи раҳбарининг маҳсус қарорисиз ўтказилиши мумкин.

Бироқ, Федерал қонунларга мувофиқ тақдим этилган маҳсус декларация, хужжатлар ва маълумотларга илова қилинган, шунингдек, кўрсатилган маҳсус декларация ва ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар солиқ текширувини

ўтказиш учун асос бўлмайди. Модомики, агар солик органида мавжуд бўлган ҳужжатлар (маълумотлар) бўйича камерал солик текшируви тутагунга қадар солик тўловчи солик декларациясини тақдим этса, камерал солик текшируви тутатилган ҳолда, бунинг асосида янги камерал солик текшируви бошланиши мумкин.

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, солик назоратининг яна бир кенг тарқалган шаклларидан бири бу сайёр солик текшируви бўлиб, солик тўловчининг ҳудудида (биносида) жойида ўтказилади уни ўтказиш тартиби Ўзбекистондаги тартибга ўхшаш тарзида солик тўловчига нисбатан солик назорати чора-тадбирларини ўтказишда солик органига тутатилган камерал солик текшируви доирасида олинган ҳужжатлар (маълумотлар)дан фойдаланиши мумкин. Сайёр солик текширувининг бу мамлакатдаги ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, “агар солик тўловчи жойида солик текширувини ўтказиш учун биноларни тақдим эта олмаса, солик текшируви солик органи жойлашган жойда, солик тўловчилар - чет эл ташкилотлари жойида, Россия Федерациясининг солик резидентлари деб тан олинган - бундай ташкилотнинг алоҳида бўлинмаси жойлашган жойда солик текшируви ўтказилиши мумкин” .

Аммо, бир солик тўловчига нисбатан солик текшируви бир ёки бир нечта соликлар бўйича, ўтказилиши мумки бўлса, солик органлари бир хил соликлар бўйича бир хил давр учун икки ёки ундан ортиқ солик текширувларини ўтказишга ҳақли эмас ҳисобланади. Ўз навбатида солик органлари бир календарь йил давомида битта солик тўловчига нисбатан икки мартадан ортиқ солик текширувини ўтказишга ҳақли эмас, бироқ, соликлар ва йигимлар соҳасида назорат ва назорат қилиш бўйича ваколатли федерал ижроия органи раҳбари томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно ҳисобланади.

Солик назорати (текшируви)ни ташкил этилишини европа мамлакатлари тажрибасини ҳам таққосий таҳлил қиласиган бўлсақ, бунда Франция тажрибаси бир томондан Россия тажрибасига анча яқин бўлса, ўз навбатида Ўзбекистон солик тизимидағи тартибларга ҳам ўхшаш ҳисобланади. Францияда ҳам солик қонунчилиги Солик кодексида мужассам бўлиб, солик назоратини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий хукукий манбаси ҳам Солик кодекси саналади.

Франция Солик кодексида кўзда тутилганидек, солик текширувларни амалга ошириш “ҳар бир бўлимда (солик хизмати) ташкил этилган солик марказлари томонидан солик тўловчиларга билдиришномалар юбориш, агарда улар томонидан декларациялар ихтиёрий равишида тақдим этилган (жисмоний шахслар томонидан, уларнинг даромадлари миқдоридан қатъий назар тақдим этиладиган декларация) ҳолда уларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади.

Францияда солик назорати икки хил шаклда камерал ва сайёр тарзда амалга оширилади. Солик хизмати органларида солик тўловчиларнинг ўзлари топширган ва бошқа ташқи манбалар асосида маълумотлар базасида мавжуд бўлган маълумотлар декларацияда қўрсатилган маълумотлар билан

таққосланади, бунда номувофиқликлар аниқланиб, солиқ тўловчилардан худди биздаги сингари тушунтиришлар сўралади, ўз навбатида солиқ тўловчилар белгиланган тартибда қўшимча ҳисбот (маълумот) топширади ёки бошқача тарзда тушунтиришлар беришга мажбур бўлади.

Солиқ тўловчиларнинг берган тушунтиришлари талаб даражасида бўлмаса, солиқ органи талабига жавоб бермаса, у ҳолда солиқ органи қўшимча солиқларни талаб қилиши ёки солиқ назоратини қучайтириш учун бошқа ваколатли органларга мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Францияда солиқ текширувини амалга ошириш учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларни бу ҳақда Россия ва Ўзбекистондан фарқли равишда камида саккиз кун олдин огоҳлантиради (Ўзбекистонда ўн кун олдин). Мабодо солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари билан боғлиқ маълумотлар аниқланса, бу ҳақда аниқ маълумотлар келиб тушса, у ҳолда солиқ тўловчига огоҳлантиришсиз солиқ назоратини ўтказиш мумкин. Солиқ текширувларида материалларни кўриб чиқиш аввалги уч йилги даврларни қамраб олади.

Францияда солиқ текширувлари фаолияти солиқ текширувига тортилган корхонани танлаш Ўзбекистондаги тартибга ўхшаган ҳолда кўплаб мезонлар бўйича солиқ тўловчиларнинг фаолиятини сегментлаш асосида рискларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бунда дастлаб потенциал солиқ қонунбузарликларни содир қилишга мойил кўрсаткичларга эга корхоналар солиқ текширишга номзод сифатида танлаб олинади ва бу камерал солиқ текширувига, зарур ҳолларда эса, сайёр солиқ текширувини ўтказишга асос бўлади. Бу ерда солиқ текширувлари ўтказиш муддати агар солиқ тўловчи кичик корхона мақомига эга бўлса, уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилса, йирик солиқ тўловчилар бўйича эса, муддат белгиланмайди, жисмоний шахсларни текшириш муддати 12 ойдан ошмаслиги лозим бўлади.

### **Хулоса ва тақлифлар:**

2024 йил 1 январдан бошлаб солиқ имтиёзларини қўллаётган солиқ тўловчилар томонидан солиқ базасини яшириш фактлари аниқланган тақдирда, улар томонидан қўлланиладиган солиқ имтиёzlари тўхтатилиб, қонунчиликда белгиланган молиявий жарималар қўллаш тартиби жорий қилиш зарур. Чунки жорий йилнинг 6 ойи давомида солиқ имтиёзларидан тақдим қилинган 5,2 минг нафар солиқ тўловчиларда солиқ солиш базасини яширилиши юзасидан сайёр солиқ текширувлари ва камерал солиқ текширувлари ўтказилди. Мазкур солиқ тўловчилар 488,6 млрд. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланганлар.

Солиқ тўловчиларнинг ҳукуқни суиистеъмол қилиш аломатларига эга бўлган қалбаки (қўзбўямачилик учун тузилган) битимлар тузиш орқали айrim операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини амалга ошириш фактлари аниқланган тақдирда, солиқ текширувлари солиқ тўловчини хабардор қилмасдан ўтказиш тартиби белгилаш. Масалан, бундай солиқ тўловчилар солиқ

текширувлари ва қўшимча солиқларни тўлашдан қочиш мақсадида манзилини ўзгартиради ёки қайта ташкил этилади. Шу муносабат билан солиқ назорати ўз самарасини йўқотади. 2022 йилда 396 та солиқ тўловчилар 1 трлн. ККС суммасини тўламасдан 8 трлн. сўмлик шубҳали операцияларни амалга оширганлар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирошник Светлана Валентиновна и др. Актуальные вопросы правового обеспечения налогового контроля. Теория и практика общественного развития (2015, № 19).
2. Кофлер Л.И., Каширина Ю.П. Налоговые проверки: виды, порядок проведения и оформления результатов. Территория науки. 2017. № 1.
3. Шестакова Н.Н. Налоговые проверки в системе налогового контроля. Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ. 2018. №1.
4. Садчиков Михаил Николаевич. Камеральные и выездные налоговые проверки как формы налогового контроля. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2010.
5. Daniel Ho, Peter Lau (2019) Tax audit in Hong Kong// The International Tax Journal.21.12.2019. Samuel Chan, Gerald Chau, Patrick Leung (2017) Tax audit and investigation in China and Hong Kong// The International Tax Journal, February-January.
6. Аренс А., Лоббек Ж. (1995) Audit. – М.: Финансы и статистика. с.12-14. (Ahrens A., Lobbecke J. (1995) Audit. - M.: Finance and statistics. p.12-14.)
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Faafur Fулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
8. М.Ш.Файзуллоев (2023) Солиқ назоратини амалга оширишда солиқ текширувларининг замонавий усулларидан фойдаланиш истиқболлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Б. 14-16.
9. U Normurzaev .Analiz effektivnosti nalogovyx lgot i preferensiy v podderjke opredelennix sektorov s selyu dalneyshego povysheniya investitsionnoy privlekatelnosti v Uzbekistane- Ekonomika i obrazovanie,(6), 2021
10. Нормурзаев, (2021). У. Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование,(6) (2021): 82-86.
11. Нормурзаев, У. (2023). Мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлили. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 1(4), 177–183. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp177-183>.
12. Normurzaev, U. (2021). O'zbekistonda investitsion jozibadorlikni yanada yaxshilash maqsadida ayrim sohalarni qo'llab-quvvatlashda berilayotgan soliq imtiyoz va preferensiyalaring samaradorlik tahlili. Iqtisodiyot Va ta'lif, (6), 82–86. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a285](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285)
13. Нормурзаев, У. (2021). Способы использования эффективных методов путем предоставления налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика И Образование, (3), 91–95. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/7191](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7191)